

Hajrullo

«Dunyoda ilmdan boshqa najot yo‘q va  
hech qachon bo‘lmagay». **Imom Buxoriy**



# IMOM BUXORIY SABOQLARI

*ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal*



**27 IYUN –**  
MATBUOT VA OMMAVIY AXBOROT  
VOSITALARI XODIMLARI KUNI  
MUBORAK BO‘LSIN!

**IMOM  
BUXORIY**  
XALQARO ILMIY-  
TADQIQOT MARKAZI  
NASHRI

**2/2019**

# Yulduz so'ngi:

Шовосил ЗИЁДОВ. IRCISA хамкорлигидаги халқаро анжуман.....	2
Отабек МУҲАММАДИЕВ. Алоуддин Усмандийнинг ўшиқ шоғирди.....	5
<b>АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ</b>	
Шуқурилло УМАРОВ. Муназд жанри ва унинг ҳадис илми тараққиётида тутган ўрни.....	9
Миродий ХАЙДАРОВ. Бурхануддин аль-Маргинани: великий исламский правовед Мавераннахра.....	12
Каримулло МИРЗААХМЕДОВ. Жарҳ ва таъдил илмида Имом Абу Ханифага берилган таъриф.....	15
Зубайдилло НАРЗИЕВ. Хужирий тасаввуфий-фалсафий таълимотида нафс ва уни тарбиялаш муаммолари.....	17
Маждид ИННАЗАРОВ. Имом Бухорийнинг педагогик қарашларининг аҳамияти.....	19
Бобир ҲАҚИМОВ. Жалолиддин Румий тасаввуфий-фалсафий дунёқарашининг шаклланиши.....	20
Шавкат БОБОЖОНОВ. Авлиё Ҳўжа Исмаилов Бухоро халқи эътиқодий қарашларида.....	23
Бобир НАМОЗОВ. Хожа Муҳаммад Порсонинг илм, олим ва амал ҳақидаги фикрлари.....	25
Сайёра ТҶИЧИЕВА. Мустақиллик йилларида буюк аллома Имом Термизий илмий меросининг ўрганилиши.....	27
Комилжон РАҲИМОВ. Хожа Муҳаммад Бобо Самосий ҳаёти ва фаолияти: зикри ҳафийга қайтишнинг бошланиши.....	29
<b>НОДИР МАНБАЛАР</b>	
Ахтам АХМЕДОВ. Мадина тарихига доир қадимий кўлэзма тавсифи.....	31
Зариф ХИДИРОВ. Ибн Асирнинг "Ал-комил фит-тарих" асари тарихий манба сифатида.....	35
<b>БАТАНИМИЗ ТАРИХИ</b>	
Бахриддин УСМОНОВ. Самарқанд ҳукмдори Абу Саид Мирзо ва Мўғулистон хони Эсан Бугахон ўртасидаги ҳарбий ҳаракатларнинг саналари ҳусусида.....	37
Акматавон АҚМАЛҲОНОВ. Абу Якуб Саккокий – Махмуд Замаҳшарийнинг муносиб издоши.....	39
Заҳриддин Бобир ХАЙДАРОВ. Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши натижасида Наманган уезди ҳудудида вужудга келган ижтимоий сиёсий вазият.....	40
Дилрабо АМИРДИНОВА. Туркистон жадидчи намоёндаларнинг илмий-фалсафий меросида комил инсон тарбияси.....	43
Ойсулув ҲАҚИМОВА. Чўлпоннинг насрий асарларида эстетик ғоя моҳияти.....	45
Суннатилло АБДИВОҲИДОВ. Жадидчилик: бўхтон, уйдирма ва ҳақиқат.....	46
Акматавон ЯКУБОВ. Бухоро шаҳрининг хонлик пойтахтига айланиши ва унинг минтақа сиёсий ҳаётидаги ўрни.....	50
Феруз НАРМАНОВ. Қизил чойхоналарнинг динга қарши курашга жалб қилиниши.....	52
Лайло УСМОНОВА. Мустақиллик даври ва миниатюра санъатининг ривожини.....	54
Nabijon DAMINOV. Samarqand viloyatida teatr san'atining rivojlanish tarixi va istiqbollari.....	57
Янгибой ТУРДИМУРАТОВ. Ўзбеклар анъанавий чорвачилигида халқ ветеринарияси.....	59
Роҳила РАЖАБОВА. XVIII-XIX асрларда Бухорода ёзилган асарларнинг ўзига хос хусусиятлари ва муқовасозлик санъатининг ривожланиши.....	61
Ахмат РАҲИМОВ. Юртимиздан чиққан муфассирлар.....	64
<b>ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН</b>	
Беҳзод СОИПОВ. Мусулмон мамлакатларида содир бўлаётган жараёнларга "ислом омили"нинг таъсири.....	67
Зайниддин ЭШОНҚҮЛОВ. Исроомда тежамкорлик ва исрофгарчиликка муносабат.....	69
Шахноза КИМСАНБАЕВА. Миллий ўзлиқни англашда ислом динининг ўрни.....	70
Marhabo ALLAYAROVA. Tasavvuf ta'limotining panteistik mohiyati.....	73
Мақсуд ЖАББОРОВ. Исроом дини орқали экологик маданиятни шакллантириш.....	75
Фазлиддин МАДИЕВ. Жанубий Кореяда исломнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.....	77
<b>МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ</b>	
Нуристон АБУЛҲАСАН. Ижтимоий тармоқларнинг ижтимоий ҳавфи.....	79
Джамиш КУРБАНОВ. Фундаментализмга қарши курашда ислом ғоявий манбаларининг аҳамияти.....	80
Шерзод МУҲАМЕДОВ, Сардорбек ҒИЁСОВ. Уюшмаган ёшлар ўртасида экстремистик оқим таъсирига қарши "иммунитет" ҳосил қилишда нодавлат ташкилотларнинг роли.....	82
<b>ИЖТИМОИЙ ИНСТРУТ</b>	
Лукмон ЖҲРАЕВ. Исоқжон НЕГМАТОВ. Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш жараёнида иқтисодий маданиятни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	85
Тоҳир ХАТАМОВ. XX асрда Ўзбекистонда халқ таълим тизими ривожланиши: ислохотлар, муаммолар ва тажриба.....	86
Ақтамкул САМАДОВ. Шаҳс эстетик идеалининг шаклланиши ва унинг конструктив жиҳатлари.....	90
Рустам БАЙМАТОВ. Сиёсий ижтимоийлашув жараёни: мазмуни, мақсади, характери ва шаклланиш босқичлари.....	93
Дилшод ХУДОЙБЕРДИЕВ. Шаҳс истеъмолчилик ҳулқини шакллантирувчи омиллар.....	95
Комил ХАЙДАРОВ. Маҳорат – муаллимнинг энг катта ютуғи.....	98
Умида ЙҮЛДОШЕВА. Социальная реклама как инструмент передачи духовного наследия мыслителей Востока.....	100
Умида ТИЛАВОВА. Информацион этика тарихий тараққиётида шарқ мутафаккирлари қарашларининг аҳамияти.....	102
Раҳматилло ДЖУРАЕВ. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт фанини ўқитишдаги илгор ҳорижий тажрибалар.....	104
Зиёдулла ЗИНАТУЛЛАЕВ. Бирламчи манбаларда Марказий Осиёнинг араб халифалигига қўшиб олиниши масаласи.....	106
Камол САЙДАЗИМОВ. Нутқий актлар назариясида тил истеъмолчининг таснифи.....	108
Динара АТАЖАНОВА. Аёллар меҳнатининг кафолатларини такомиллаштириш.....	110
Марат НИЯЗИМБЕТОВ. Жамият ривожланиши моделлари моҳиятининг назарий-методологик жиҳатлари.....	112
Фарҳод ХАТАМОВ. Позитив ҳуқуқ ва унинг бошқарув фаолиятига таъсири.....	115
Абдураул БОЛТАЕВ, Эгамберди АБЕРКУЛОВ. Халқаро туризмга этибор.....	117
Олмос ТУРСУНОВА, Хуршид ДАНАБОВЕВ. Оилавий муносабатларни тартибга солишда хотин-қизлар тўғрисидаги миллий манбалар.....	120
Гулбахор ИСАНОВА. Ижтимоий шериклик ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим шартини.....	123
Камола САИДОВА. Инсонда эркинлик туйғусини шакллантиришда давлатнинг роли.....	126
<b>ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР</b>	
Гавхар РАҲМАТОВА. "Девону лугатит турк"даги ов кўшиқлари семантикаси.....	129
Тунис ХОҲИЕВ. Шарқона модернизация моделлари шаклланишининг фалсафий-тарихий асослари.....	131
Муҳаммадjon ПАРПИЕВ. Шаҳс маънавиятининг диний-фалсафий таҳлили.....	134
Раъно ТОШНИЁЗОВА. Алишер Навоий ижодида умуминсоний тушунчаларнинг бадий-фалсафий моҳияти.....	136
Зарифа МУМИНОВА. Авестода борлик ва инсонга синергетик ёндашув элементларининг намоён бўлиши.....	140
<b>ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ</b>	
Хуршида БОБОҚҮЛОВА. Мустақиллик йилларида фуқаролик жамияти ривожиди ёшлар ижтимоий – фалсафий тафаккурини шакллантириш заруриятига эҳтиёж.....	142
Икром БҮРОНОВ. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати ҳамда глобаллашув шароитида "Оммавий маданият" кўринишидаги мафкуравий таълим муаммолари.....	145
Нуриддин АХМАДИЕВ. Жамият маънавий ривожланиши жараёнида ёшлар тарбиясининг ўрни.....	146
<b>ИЛМ-ҲАҚИДИ</b>	
Раъно ДЖУРАЕВА. Ўзбекистон алломалари ҳаётини ўрганишда мобил иловалардан фойдаланиш.....	148
<b>БИР ҲАДИС ШАРҲИ</b>	
Йўлдошхон ИСАЕВ. Силаи раҳм қилган кишининг ризқи кенг бўлиши ҳақида.....	150



Muassis:

**IMOM BUXORIY XALQARO  
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**

**TAHRIR KENGASHI:**

**U. Alimov, A. Mansurov,  
A. Berdimurodov, A. Hasanov,  
B. Abdhalimov, A. Mannonov,  
B. Matboboyev, B. To'rayev,  
J. Yaxshilqov, Z. Islomov, Z. Munavvarov,  
I. Saidov, M. Muhiddinov, N. Ibrohimov,  
U. G'ofurov, Sh. Sirojiddinov, U. Uvatov,  
B. Karimov, Ashirbek Mo'minov  
(Qozog'iston), Devin Di Uis (AQSH),  
So'nmaz Kutlu (Turkiya),  
Ingeborg Baldauf (Germaniya)**

**Bosh muharrir:  
Shovosil ZIYODOV**

**Bosh muharrir o'rinbosarlari:  
Otabek MUHAMMADIYEV,  
Ne'mat JABBOV**

**Musahhah:  
Olim DJURAYEV**

**Sahifalovchi-dizayner:  
Muhammadiqbol SHUKUROV**

**Jurnal O'zbekiston Respublikasi  
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy  
Attestatsiya Komissiyasining ilmiy  
jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.**

**O'zbekiston Respublikasi  
Vazirlar Mahkamasi huzuridagi  
Din ishlari bo'yicha Qo'mitaning  
2019-yil 31-maydagi, № 3035-sonli  
xulosasi asosida tayyorlandi.**

**Maqolada keltirilgan ma'lumotlar  
uchun muallif mas'ul.**

**Manzirimiz:  
141306, Samarqand viloyati, Payariq  
tumani, Xo'ja Ismoil shaharchasi.**

**E-mail: buxoriy\_saboqlari@mail.ru  
Web-sahifa: www.bukhari.uz  
Telefonlar: (0366) 240 2019,  
+99893 355-76-64.  
Faks: (0366) 240 2011.**

**Bosishga 11.07.2019 yilda ruxsat berildi.  
Qog'oz bichimi 60x84 1/8.  
Ofset bosma usulida bosildi.  
Bosma tabog'i 7,5.  
Adadi – 150 dona. Buyurtma №  
Nashr indekslari – № 946, № 947.  
ISSN 2181-4791**

**Jurnal 2019-yil 8-aprelda O'zbekiston  
Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi  
huzuridagi Axborot va Ommaviy  
Kommunikatsiya Agentligi tomonidan  
№ 0057 raqami bilan qayta ro'yxatga olingan.  
Bir yilda to'rt marta chop etiladi.**

**Jumaldan ko'chirib bosilgan  
manba qayd etilishi shart.**

**Tahririyat fikri mualliflar  
fikridan farq qilishi mumkin.**

**Jurnal andazasi tahririyatning kompyuter  
bo'limida tayyorlandi.**

**Jurnal "RELIABLE PRINT" MCHJ  
bosmaxonasida chop etildi. Toshkent  
shahri, Chorsu maydoni, 3-A bino**

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдулқодир Қураший. Ал-Жавохир ал-мудийя фи табақот ал-ҳанафия. – Қоҳира: Ҳижр, 1993. – Ж. 1.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. – Т.: Фан, 1983. Ж. 2.
3. Жамолиддин Юсуф Бағдодий. Ал-интисор ва ат-таржих лил мазҳаб ас-саҳиҳ. – Истанбул: Ал-анвор, 1941.
4. Зухур Аҳмад Хусайний. Имом Аъзам Абу Ҳанифа ка муҳаддисана мақам. – Покистон: Зобидобод, 1998.
5. Ибн Ҳажар Асқалоний. Таҳзиб ат-таҳзиб. – Байрут: Муассасату ар-рисала, 1995.
6. Ибн Ҳажар. Фатҳ ал-Борий. – Байрут: Дор Ибн Касир, 2007. – Ж. 1.
7. Муратов Д. Абдуллоҳ Субазмунийнинг “Кашф ал-осор” асари ҳадис илмига оид манба: Тарих фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2008.
8. Муратов Д. Имом Абу Ҳанифа-муҳаддис. № 4. 2015. Имом ал-Бухорий сабоқлари.
9. Муратов Д. Ҳадисшунослик атама ва иборалари. – Т.: Фан, 2009.
10. Муҳаммад ибн Аҳмад Мақдисий. Маноқиб ал-Имом ал-арбаати. – Дор ал-муайяд. Нашр йили кўрсатилмаган.
11. Саййид Афибий. Ҳаяту ал-имам Аби Ҳанифа. – Қоҳира: Дор ал-маориф, 1934.
12. Хатиб Бағдодий. Тариху Бағдод. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1989. Ж. 13.
13. Шамсиддин Юсуф Дамашқий. Жузъу аволий ал-имом Аби Ҳанифата. – Дамашқ Дор ал-фарфур, 2001.
14. Шихобиддин Хайтабий. Хойрот ал-хисан фий манокиб ал-имам. – Қоҳира: Дор ал-маориф, 1906.

## ҲУЖВИРИЙ ТАСАВВУФИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИДА НАФС ВА УНИ ТАРБИЯЛАШ МУАММОЛАРИ

Зубайдилло НАРЗИЕВ  
БухДУ “Ислом тарихи ва  
манбашунослиги,  
фалсафа” кафедраси  
катта ўқитувчиси

Мазкур мақолада тасаввуф фалсафасининг йирик назариячиларидан бири мутасаввиф Абулҳасан Али ибн Усмон Жуллобий Хужвирий таълимотида нафс ва уни тарбиялаш муаммолари таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** Кашфул маҳжуб, тасаввуф, нафс, саҳийлик, мушоҳада, мужоҳада.

The following article analyses the problems of the category nafs and its tutoring in the teaching of one of the paramount representatives of the sufi philosophy, theoretician Abulhasan Ali ibn Usman Jullabi Khujviri.

В данной статье рассматриваются проблемы категории “нафс” и её воспитания в учении суфийского знатока, одного из теоретиков суфийской философии Абулхасана Али ибн Усмана Джуллаби Худжвири.

Нафс, уни тарбиялаш, меъерга солиш масаласи тасаввуф таълимотида инсоннинг маънавий оламида комиллик сарк етакловчи кучлардан бири ҳисобланади. Инсоннинг ботинан хотиржамлиги нафсни тийиш, сабр-қаноат билан вужудга келади. Инсонни ғафлат, разолат ва бошқа ахлоқий тубанликлардан озод қиладиган бош асос нафсни жилловлаш, енгилдир. Шунинг учун ҳам ўрта аср манбаларида тасаввуфга берилган кўпгина таърифлардан бирида: “тасаввуф нафсининг барча истакларини ва завқларини тарк этмокдир” [9: 17] – деб таъкидланиши маълум даражада асослидир. Абулҳасан Хужвирий ҳам ўзининг “Кашфул маҳжуб” асарида ушбу масалага жиддий эътибор қаратган. Мутасаввиф ушбу масалани дин аҳкомлари, иймон-этикод, ижтимоий ҳаёт воқеалари талаблари билан уйғунлаштирган ҳолда талқин қилган. Мутасаввифнинг таъкидлашича, инсоннинг руҳини тарбиялаш, унинг ички кечинмалари, ўз нафси ва хирсини тийиш орқали билинади. Чунки инсон иллатларининг, маънавий тубанлашувининг манбаи нафсдир. Унга қарши курашиш ниҳоятда қийиндир. Зеро, нафс худди сеҳргардек инсонни ўз домига тортади. Инсонни ҳар қандай разолатларга қўл уришига сабаб бўлади. Инсоннинг жисмоний эҳтиёжлари майлига бўйсунушига олиб келади. Хужвирийнинг таъкидлашича, тасаввуфда нафс ва уни тарбиялаш муаммолари Саҳл Абдуллоҳ Тустарий махсус эътибор берган. Саҳл Тустарий асос солган илк тариқатларнинг олтинчи силсиласида вужудга келган “саҳлийлик” тариқати асосий мавзу сифатида нафс ва унинг мужоҳадасига эътибор берган. Мутасаввиф “Кашфул маҳжуб” асарида Саҳл Тустарийга ниҳоятда юксак эҳтиром кўрсатиб, “у тасаввуф аҳлининг муҳташам ва буюкларидан эди. У ўз вақтида вақт султони эди. Бу тариқатнинг эса ҳалли ва ақди эди. У тўғрисида бурҳонлар шу қадар кўпки, унинг ҳикояларини тушунишдан ақл ожиздир. Унинг тариқати ижтиҳод ва нафс

мужоҳадаси ва риёзатга асослангандир. У ўз муридларини мужоҳада воситасида камолга етказар эди. Муридларни мужоҳада ва риёзат воситаси билан парвариш қилиш саҳлийларнинг асосий йўлидир” [5: 120] – деб таъкидлайди. Мутасаввифлар Қуръони карим, Ҳадиси шарифга таяниб, нафсга ер юзидаги барча риёкорларнинг асоси, барча ёмонликларнинг тамали, гуноҳларнинг манбаи сифатида қарашган. Тасаввуф таълимоти вакиллари вакиллари ва методологиясини ишлаб чиқишган, унга қарши курашиш ҳақида ғоятда қимматли фикрларни билдириб, бу борада яқд ил бўлишган. Бу хусусда “Кашфул маҳжуб”да қуйидаги фикр ўз ифодасини топган: “Бас, билгинки нафс мужоҳадаси ва унга сиёсат қилмоқлик барча динларда, миллатларда очик ойдин келгандир. Хусусан, бу тариқатда уни бошқариш ва ундан фойдаланиш йўллари тўла жорий қилингандир. Бу тўғрида хосу авом, уларнинг машойихлари бунинг маъносини очувчи кўп гап ва ибораларни айтишган” [5: 124]. Хужвирий “Кашфул маҳжуб”да қатор мутасаввифлар ва сўфий шайхларининг нафс ва унинг тарбияси, меъери ҳақидаги қуйидаги фикрларини келтирган. Жумладан, буюк ватандошимиз Ҳаким Термизийнинг қуйидаги мазмундаги “нафс инсон тириклигидир ва ундан қутулиш ўлим билан баробар. Аллоҳни таниш учун ана шу ўлимдан устун чиқиш керак, ўзингни ҳеч нарсадан аямаслигинг лозим” [1: 251]. Ва яна шу ўринда “Сен Ҳақни ўз нафсинг бақоси билан ўзингда бўлган ҳолда танишни истайсану, бироқ, нафсинг ўзини танимаса, қандай қилиб бошқани танийди”, яъни ўз нафсинг ўзининг бақо ҳолида ўзидан маҳжуб бўлади. Демак, ўзидан маҳжуб бўлса, қандай қилиб, Ҳақни кашф қилсин?” [5: 123] – фикрларини келтирган. “Тасаввуф нима?” – деган саволга шайх Нурий “тасаввуф нафсни тарк этиш ва нафс балосидан қутулиш”дир – деб ҳисоблайди Зуннун Мисрий (Унга Аллоҳнинг раҳмати

бўлсин) айтади: “Ҳижобларнинг энг кучлиси бу нафси кўриб, унинг тадбирига эргашишдир”. Унга эргашиш Ҳақнинг ризосига муҳолифлик қилишдир. Ҳаққа муҳолиф бўлиш барча ҳижобларнинг бошидир” [5: 123]. Абу Язид дейди: “Нафс шундай бир сифатдирки, у фақатгина ботил ишлар билан таскин топади”.

Жунайд (Аллоҳ ундан рози бўлсин) шундай деган: “Куфрнинг асоси нафсинг муродига юришингдир”. Негаки, Ҳаққа таслим бўлишда нафсга яқин бўлиш йўқдир. Агар ундан юз бурмаса, у мункир бўлади, мункир эса бегонадир.

Абу Сулаймон Дороний айтади: “Нафс хоиндир, ман қилувчидир, унинг кушандаси яхши амаллардир”, яъни нафс омонатга хиёнат қилувчидир, Ҳақ ризоси талабидан тўсувчидир. Унинг энг кучли душмани бу унинг хилофига иш қилмоқликдир. Шундай қилинмаса, омонат бегона бўлади ва ризо бой берилади” [5: 123]. Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: “Муҳоҳид бу ўз нафси билан Аллоҳ йўлида муҳоҳада қилган кишидир” [5: 123].

Ҳужвирий нафсга инсоннинг камолот сари интилишида ўзига хос ҳижоб, яъни тўсиб турувчи парда сифатида қарайди. Нафс ҳақида гапирар экан, мутасаввиф инсон учун унга қарши туриш осон эмаслигини, унга мувофиқ келмаслигини, нафсинг яққол кўринадиган сифатларидан ҳаво ва ҳавас, шахватга берилмаслигини, нафсинг охир оқибатда инсонни ҳалокатга учратишига эътибор берган. Нафсга руҳни бугайдиган феномен сифатида қараб, инсоннинг асосий вазифаси ўз нафсини таниш лозимлигини, маърифатга интилиши лозимлигини ва шу орқали ҳақиқатга эришиш, нафсдан қутулиш, ундан юз буриш мумкинлигини кўрсатган. Зеро, мутасаввифнинг куйидаги мулоҳазалари бизнинг фикрларимизни ойдинлаштиришга ёрдам беради: “Мўминнинг руҳи маърифат райҳонидир, унинг нафси эса залолат ҳижобидир. Мўмин қиёматда дўзахдан ҳалос бўлмагунча беҳиштга етмайди, Ҳақиқатни кўрмайди, муҳаббат сафосини топмайди. Худди шу каби банд токим, бу дунёда нафсидан қутулмас экан, руҳни бошқарувчи ироданинг ҳақиқатига ҳамда қурбат ва маърифатнинг ҳақиқатига етолмайди. Бас, кимки, бу дунёда Уни таниса ва бошқалардан юз бурса, шариат кўпригида турса, қиёматда дўзах ва кўприкни кўрмайди” [5: 123]. Ва ўз ўрнида мутасаввиф нафсга қарши курашиш чора-тадбирларини ҳам ўзига хос тарзда ишлаб чиққан. Тавба қилиш, маърифатли ва иймонли бўлиш, Аллоҳга муҳаббат қўйиш, мушохада ва муҳоҳада қилиш, қалбни турли жирканч унсурлардан тозалаш ва поклаш, руҳни соф туттиш, ўз ҳолини латифлаштириш, рўза туттиш ва нафсни очлик билан маъв этиш каби масалаларга эътибор берган.

Нафсни тарбиялаш масаласида мутасаввиф энг яхши тадбир сифатида нафсга муҳолифлик қилишни, унга қарши муҳоҳада қилишни, инсонда бундан бошқа йўл йўқлигини, аммо унга мувофиқ келиш инсоннинг ҳалокатига сабаб бўлишини уқтирган. Бу хусусда мутасаввиф “бас, нафсга муҳолифлик қилмоқлик барча ибодатларнинг боши, барча муҳоҳадларнинг камолидир. Бандага Ҳаққа элтувчи бундан ўзга йўл йўқдир. У билан мувофиқлик банданинг ҳалок бўлмоғи, у билан муҳолифлик эса банданинг нажот топмоғидир. Худованд таоло нафсга қарши бормоқликни амр қилди. Унга қарши борганларни мадҳ қилиб, унга мувофиқ келганларни айблади” [5: 121] – дея фикр билдирган ва “Кашфул маҳжуб”да Саҳл Тустарий ҳақида фикр билдирганда, саҳлийлик таълимотида асосланган нафс муҳокамасига тўхталиб, ўзининг куйидаги мазмундаги хулосасини баён этган: “нафс қаршилиги олдида тоғни тирноқ билан тешиш одамизодга осонроқ туюлади ва нафсинг энг яққол намоён бўладиган сифатларидан бири бу – шахватдир” [1: 263] – деб таъкидлайди. Агар инсон нафсинг хоҳишларига қараб юрса, охири фалокат билан яқун топиши мумкин. Нафсинг мавжудлиги за-

рурат ва унинг истаклари табиийдир. Лекин уни назорат қилиш, тарбиялаш ва ёмон иллатлардан тозалаш туриш шарт. Чунки унинг истаклари бажо этилаверса ҳаддан ошади ва жиловлаб бўлмайдиган ҳолатга келади [6: 153]. Ҳужвирий “Кашфул маҳжуб” асариде саҳлийлик таълимоти моҳиятини очиш учун нафсинг ҳақиқий табиатини очиб берган. Мутасаввифнинг талқинича, нафс ниманидир “моҳияти” ва “реаллик” маъносини англатади. Бизга маълумки реаллик борлиқ фалсафасининг муҳим категорияларидан бири сифатида мавжудликнинг ҳаммага маълум ва ҳамма томонидан тан олинмайдиган қисми дея эътироф этилади. Демак, Ҳужвирий ҳам нафсинг зарурат эканлигини, унинг инсон борлигидаги мавжуд ва реал моддий ва маънавий асослардан, латиф нарсалардан бири эканлигини эътироф этган. Чунончи, Ҳужвирийга кўра, “нафс ва руҳ иккови одамнинг қолипидеги латиф нарсалардир. Бу худди фаришталар ва шайтонлар олами каби ёки жаннат ва дўзах каби бири яхшилик ўрни бўлса, иккинчиси ёмонлик ўрнидир” [5: 121]. Мутасаввиф, нафс орқали инсонда вужудга келадиған иллатларни иккига бўлинишини тушунтирган ҳолда барча мутасаввифлар шу позицияда эканликларини таъкидлаб ўтган. Жумладан, унинг куйидаги фикрлари “ҳаммалари унинг, яъни нафсинг (изоҳ – З.Н) ёмон хулқлар ва гуноҳ феълларнинг пайдо бўлишига сабабчи эканлигига муттафиқдирлар. Бу икки хилдир: гуноҳ ва ёмон хулқ. Буларга ҳасад, бахиллик, ғазаб, кин сақлаш каби шариат ва ақлга мос келмайдиган нарсалар қиради. Бас, киши бу сифатларни ўзидан даф қилмоқлик учун риёзат чекмоғи керақдир. Гуноҳлар зоҳирий сифатлардан, ёмон хулқлар ботиний сифатлардандир. Зоҳирий гуноҳларни кетказиш учун риёзат чекилади, ботиний ёмон хулқларни кетказиш учун эса тавба қилинади. Ботинда ёмон сифатлар пайдо бўлса, уни зоҳирдаги яхши сифатлар билан поклаш керақ, агар зоҳирда шу каби сифатлар пайдо бўлса, ботиндаги яхши сифатлар билан тозалаш керақ бўлади” [5: 121] – диққатга сазовордир. Фикримизча, мутасаввиф инсоннинг нафсга берилиш сабабларини куйидагича изоҳлаган: “...билгинки, аҳли маърифатнинг риёзатлари ҳам Ҳақ сирларининг бурҳонидир ва қалблари Унинг назаргоҳидир. Уларнинг кўкракларидеги диллардан эшиклар очилгандир. У жойда ақл ва ҳаво жойлашгандир. Руҳ ақлга, нафс ҳавога мадад беради. Таъб қанча кўп овқатларна, нафс шунча кучайиб, ҳаво шунча тарбия топади. Уларнинг зўравонлиги аъзоларга ёйила бошлайди. Ҳар бир риёзат билан янги ҳижоб пайдо бўлаверади” [5: 194]. Бу мулоҳазаси билан мутасаввиф инсоннинг эҳтиросларга берилмаслиги, табиий, яъни моддий дунёга керагидан ортик боғланмаслиги, ақл билан иш қилишини таъкидлаган.

Мутасаввифлар нафсинг энг яққол намоён бўладиган сифатларидан бири бўлмиш шахват устидан ғалаба қозонишни дунёдаги энг асосий тадбир сифатида қараганлар. Мутасаввифларга очликка тоқатсизлик (очликни яхши кўрмаслик), пурхўрликка берилиш (қорин тўйгазиш билан овора бўлиш) мутлақо бегона бўлган. “Нафсинг энг кўп зоҳир сифати бу шахватдир. Шахват одам ажзоларининг пароканда маъносидир. Барча ҳислар унинг даргоҳидадир. Уларнинг барчаси одамда жодир. Ва ҳар бирига бир одам ажзоси масъулдир. Кўзнинг шахватти – кўриш, қулоқники – эшитиш, бурунники – ҳидлаш, тилники – сўзлаш ва комники – таъм билишдир. Жасадаги сезади, кўкрақдагиси ўйлайди. Бас, толиб ўзига бошқарувчи ва ўзига ҳоким бўлиши керақ. У бутун вақтини шунга сарфлаши, ҳаво даъволари ҳисларда пайдо бўлганида улардан узилиши лозим. Ва Худованд таолодан ўзини шундай сифатга киришини сўраши керакки, токим ҳаво истакларини ботинидан даф қила олин. Шахват денгизига мубтало бўлган ҳар қандай киши барча маънолардан маҳжубдир. Бас, агар банд уни ўзидан даф қилса, бунда у узоқ вақт

қийинчиликларга дучор бўлади, турли жинслар қаршилиги вужудга келади. Бу йўл таслим йўлидир.

Хужвирий “Кашфул мажжуб”нинг “ал-тазвиж вал тажрид” (жуфтлиқ ва танҳолик) бобида ёлғизлик фазилатини алоҳида моддалар билан ажратиб, жумладан, шахватни қоралаб ўтади ва ундан қутулиш йўлини бундай таъкидлайди: “Танҳолик фазилатининг шартин улдурки, ношоисталиқдан кўз юмсанг, кўришга нолойиқ нарсаларни кўрмасанг, нописанд фикрларни ўйламансанг ва шахват оловини очлик билан ўчирсанг” [1: 478] – булар сени руҳоният томон етаклайдиган воситалардир. Бу фикрлари билан мугасаввиф кўз, қулоқ, тана ва рух тарбиясига алоҳида урғу берган. Нафс масаласи ҳақида фикр юритар экан, Ғаззолий фикрича ҳам нафснинг шахвоний ҳавасларини очлик йўли билан махв этиш мумкин. Нафсни очлик йўли билан тарбия этиб, хор қилса, шайтон ўтадиган томирларни торайтирган бўлади. Шу тариқа йўлдан озмас ва Оллоҳ таолога итоат йўлига киради [8: 72]. Чунки ҳавойи орзулар, еб-ичишлар кишини тўғри йўлдан адаштиради. Инсон зоти учун энг катта хатар нафснинг бузқўлигидан, ейиш-ичиш хирсидан келади. Буларнинг барчаси фақат сабр билан бўлади. Инсон кўрқса, сабр этади. Билса, у кўрққани қалб кўзи кўрса, билади [8: 333], – дейди Ғаззолий. Нафсни меъёрга солиш учун сабр-қаноатнинг ўрни борлиги аллома томонидан таъкидланади. Бундан Хужвирий ва Ғаззолий фикрлари ўртасида ўзаро умумийлик мавжудлигини яққол кўриш мумкин. Нафсни энгиш-қалбдаги ёмонликлар кирадиган эшикларни беркитади. Инсон табиати ўзининг яратилиши бўйича нафс лаззатларига мойилдир. Одам борки, нафс бор. Бу нафс зарурий ва зарарли. Аввало, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж. Бу нафс боланинг она қорнидаги ҳаёти давридаёқ шаклланади [10: 29]. Нафсни тарбиялаш лозим. Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг, “Агар

хохласам, нафсимни элик марта сув лабига олиб бориб, яна ташна ҳолда қайтариб келаман” [6: 164] – деган фикрларининг замирида ҳам ушбу ҳақиқат мавжуддир.

Ўтган тасаввуфшунос олимлар дарвешлар учун қайд қилинган очликнинг аҳамияти ҳақида қимматли маълумотлар берганлар. Жумладан, Хужвирий фикрига кўра, “уммат ва миллат олдида, яъни мусулмон халқлар наздида очликнинг бузрук шарофати бор. Очликка тоқат қилганларнинг хотираси кучли ва тан-жони соғлом бўлур ва улар шу билан ўзларини риёзатга тайёр қиладилар” [1: 419].

Хужвирий мушоҳада ва мужоҳаданинг ватани сифатида инсон қалби ва унинг қувватини кўради.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан қуйидагича умумий хулоса қилиш ўринлидир:

- тасаввуф таълимотида инсоннинг маънавий камолотга эришувида нафс тарбияси масаласи ҳамма вақт марказий ўринни эгаллаб келган:

- уларда баён қилинган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, нафсга ружу қилиш инсонни тубанликка етакласа уни жиловлаш юксакликка элтади.

- нафсни жиловлаш масаласида энг таъсирчан ва самарали восита-сабр ва қаноат бўлиб, улар инсон маънавий камолотининг муҳим омиллари ва белгиларидир.

- сабр-тоқат ва нафс инсоннинг нафақат иймон-этиқоди, охирати учун зарур бўлиб қолмасдан, балки воқеий ҳаётда ҳам инсоний фазилатдир. Зеро, булар инсон номининг бу дунёда ҳам барҳаёт қолишига сабаб бўлувчи воситадир.

- мугасаввифларнинг нафсни жиловлаш, сабр-тоқат, қаноат ҳақида фикр-мулоҳазалари давримиз учун ҳам баркамол авлодни тарбиялашда катта ғоявий ва маънавий аҳамиятга эгадир.

#### ҲОҶДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абулҳасан Али бин Усмон ал-Жуллобий ал-Хужвирий ал-Ғазнавий. Кашф ул-мажжуб. Қосим Ансорий нашри. – Техрон, 1376 х.
2. Абу Ҳомид Ғаззолий. Риёзатун – нафс (Нафс тарбияси). – Т.: Мовароуннаҳр, 2006.
3. Абу Ҳомид Ғаззолий. Эй, фарзанд. “Айюҳал валад” асарининг ўзбек тилидаги таржимаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005.
4. Али ибн Усман аль-Хужвири. Раскрытие скрытого за завесой. Старейший трактат по суфизму// Перевод с английского А. Орлова. – М.: Единство, 2004.
5. Абулҳасан Хужвирий. Кашфул мажжуб. Фаридун Осиебий Ишқий Зинжоний таржимаси. – Техрон: Теббидан, 2003.
6. Гулчехра Наврўзова. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Т.: Фан, 2005.
7. Имом Ғаззолий. Уйланиш одоби. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009.
8. Имом Аҳмад ибн Қудома Мақдисий. Минҳожул қосидийн (Саодат изловчиларга қўлланма). – Т.: Тошкент ислом университети, 2009.
9. Усмон Тўрар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999.
10. Файзуллаев Омонулло. Нафс, жон ва рух. – Т.: Академия, 2005.

## ИМОМ БУХОРИЙ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мажид ИННАЗАРОВ  
Бош илмий-методик  
марказ ходими

Ушбу мақолада Имом Бухорийнинг илмий мероси ҳамда унинг баркамол авлод тарбиясидаги педагогик аҳамияти тўғрисида сўз боради.

**Таянч сўзлар:** таълим, тарбия, педагогик, ислом, ҳадис, умуминсонийлик, дунёқараш.

*This article discusses the scientific heritage of Imam al-Bukhari and its pedagogical significance in the education of a harmoniously developed generation.*

*В этой статье рассматривается научное наследие имама аль-Бухари и его педагогическое значение в образовании гармонично развитого поколения.*

Таълим-тарбия жараёнида баркамол авлодни миллий ва умуминсоний олтин меросимиздан бебаҳра қолдирмаслик бугуннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Мустақил юртимизни ҳимоя қиладиган келгусида юрт қайғуси, Ватан осойишталиги, равнақи ва келажак буюк давлатнинг тақдирини ҳал этадиганлар, булар, албатта, келажак авлодларидир. Шу боис, ёшларимизни

илмий дунёқараш бой, фаол, фидоий, синчков, мустаҳкам ирода эгаси этиб тарбиялашдек машаққатли ва шарафли вазифа ўқитувчилар зиммасига тушади. Инсонийлик, инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат ҳақида тарбия бериши билан “Тарбия психологияси”ни ўрганишда талабаларда эзгулик ва гўзаллик туйғуларини мужассамлаштиради. “Тарбия психологияси” мавзусини илм-фанда “Ҳадис ил-